

РАСУЛ ҲАМЗАТОВ

ОНАЛАРНИ АСРАНГ



*Ҳайкалларга боқдим ҳайратда,
Улар бари ўхшайди сизга.
Бу она сиз, бу сиз албатта,
Шунинг учун яқиндир кўзга.*

РАСУЛ ҲАМЗАТОВ

ОНАЛАРНИ АСРАНГ

Достон

«ТАФАККУР» нашриёти
ТОШКЕНТ – 2012

УДК: 821.512 133-1

84 (5Ў)6

Ҳ99

Ҳамзатов, Расул.

Оналарни асранг: Достон / Р.Ҳамзатов; Тарж.
А.Мўмин. – Т.: Tafakkur, 2012. – 80 б.

ББК 84(5Ў)6

Таникли авар шоири Расул Ҳамзатов дунёга машхур “Оналарнин асранг!” достонини қачон ёзишни бошлади экан? Отаси Ҳамзат Цадаса(1877–1951) вафот этгандами, ёки онаси Хандулай Ҳамзатова(1888–1965) дунёдан ўтгандами? Ёки кўлига энди қалам тутгандами? Лекин бир нарса аниқ: бу достонга 1976 йилда нуқта қўйилган. Уни моҳир таржимон Юлия Нейман рус тилига ўгирган ва 1978 йилда китоб ҳолида чоп қилинган. 1980 йилда бу китобга Россия Федерацияси Давлат мукофоти берилган. Шундан буён бу достон жаҳон халқлари тилларига таржима қилиняпти, адабиёт мухлислари эътиборини қозоняпти, нуфузли мукофотларга муносиб кўриляпти. Жаҳон адабиётининг ноёб дурдонаси бўлган бу достон биринчи марта она тилимизда китоб ҳолида тухфа этиляпти.

ISBN 978-9943-24-028-5

© АСРОП МЎМИН

© «ТАФАККУР» нашриёти, 2012

МУҚАДДИМА

Бу азиз сўз доим янгидай янграр,
Ҳолбуки, ушбу сўз мадҳия эмас.
Бу сўзни айтганда кўнгиллар яйрар,
Мисоли мусиқа, майин, хуш нафас.

Бу сўз иродамга бўйсунмас асло,
Ажиб наво каби келар тилимга.
Гоҳи шодлик бўлиб, гоҳи илтижо,
Юлдузларга шошар, сиғмас дилимга.

Ушбу сўз – мўъжиза! Ушбу сўз – Қуёш!
Бу сўзга лабимни жуфтлаган дамлар,
Ҳамиша таъзимда туринг замондош,
Тириклар, марҳумлар! Туринг одамлар!

Ушбу сўз дунёдай қадим ва азиз,
Жаранги ёқимли, қудрати азим.
Бу сўзни айтингиз таъзимда ҳаргиз,
Турингиз! Ростланинг!

Айлангиз таъзим!

У билан уйғонар минг йиллик чинор,
Уйғонар дарахтлар, ёзар япроқлар.
Уйғонар гулзорлар, бўлар чаманзор,
Уйғонар кўк билан бўйлашган тоғлар.

Гўёки Қуёшни соғинган ўрмон,
Майсалар у томон интилар, ҳайхот.
Туринглар, бу сўзни эшитган ҳамон,
Негаки, бу сўзда мужассам ҳаёт.

Бу сўзда мужассам дуо ва даъват,
Дунёнинг ишлари, қувонч-қайғуси.
Одамзод англаган биринчи ҳикмат,
Мурғак гўдакларнинг ширин кулгуси.

Ушбу сўз оламда янграши керак,
Негаки, ушбу сўз айтилган замон,
Сехридан эрийди ҳатто тош юрак,
Боладай беғубор бўлади инсон.

Бу шундайин сўзки, бемисл қудрат,
Замину замонлар унга парвона.
Азалда янграган, янграгай абад,
Турингиз, тинглангиз!

Ушбу сўз – ОНА!

Биринчи қисм

ОНАЛАРНИНГ ҚОРА РЎМОЛИ

Онангни асра.

Отам васиятидан.

1

Уйга чақиришди.

Шошилдим дилтанг.

Йўлда сабабини айтишди аста:

– Ўлим тўшагида ётибди отанг,

Бардам бўл, ёнингда биз камарбаста.

Оёғимни судраб ташладим кадам,

Ўйим айқаш-уйқаш, дил така-пука.

Остонада мени тўхтатди опам:

– Онам ичкарида, кутиб тур ука.

Соат чиқиллайди. Чўкаяпти тун.

Эшик қия очик. Тушар нигоҳим,

Онам ёнларида ўтирар нигун,

Қилт этмай ётибди пушти паноҳим.

Қараб туриб уқдим: энди йўқ имдод,

Ўлим деганлари билмас карамни.

У ажратар ярим асрдан зиёд,

Аҳил яшаб келган ота-онамни.

Видо сўзларини бошлади отам:
– Хандулай, – деди у жуда шикаста,
– Яқинлашиб қолди кетар вақтим ҳам,
Умр дегани шу, ўтар бирпасда.

Отам сўзларида ўқинч ва алам:
– Хандулай, ажалдан қочиб бўлмайти.
Батамом бузилди умр аравам,
Уни тузатишни ҳеч ким билмайти.

Афсус, ярим йўлда тугади йўлим,
Яқунига етди бу ташвишли йўл.
Ҳар кимнинг бошида бор битта ўлим,
Мен сендан розиман, мендан рози бўл.

Уларга халақит бермаслик учун,
Ёпдим қия очик эшикни аста.
Узоқ видолашди улар ўша тун,
Улар учун бу вақт ўтди бирпасда.

Бехосдан очилди эшик ғичирлаб,
Онам чиқиб келди, шишган кўзлари.
Кўк кўйлақда, недир деди пичирлаб,
Қулоққа кирмади айтган сўзлари.

Онамнинг ҳолидан бузилди кўнглим.
У дув-дув йиғларди, юзида қайғу.
– Отанг чақиряпти. Кира қол ўғлим.
Шамчироқ липиллар. – Ота, менман бу...

– Сенми ўғлим? – унинг кўзларида нур,
Ялт этиб чакнади ва яна сўлди.
Бу тун хотирамдан ўчмас бир умр.
– Мана видолашув вақти ҳам келди.

Ўлим соати ҳам келди бирпасда,
Менинг паймонам ҳам тўлди бирпасда.
Ўғлим, уйнинг файзи – онангни асра...
Ўғлим, уйнинг файзи – онангни асра.

Жимлик чўкди. Нахот кўз юмди отам...
Нахотки васият эди бу мисра?!
Шу пайт бирданига чор атроф, олам,
Шу сўзни такрорлар:
– Онангни асра!

Мен билан кўшилиб йиғлади осмон,
Ёмғирдан намиқди тоғ, дарахт, майса...
Томдан оқайтган томчилар нолон,
Шу сўзни такрорлар:
– Онангни асра!

Тинглайман, шивирлар учган ҳар япроқ:
“Она – бу мен учун жонажон дарахт”.
Отам сўзларини такрорлар тупроқ:
“Она – олам-жаҳон, шодлик ва бахт!”.

Гулдурак гумбурлаб ёдимга солар:
“Дунё, уйнинг файзи – онангни асра!”

Юрагим тўридан шу сўз жой олар:
“Дунё, уйнинг файзи – онангни асра!”

Отам бу дунёдан кўзин юмган дам,
Қора рўмолини ўради онам.
Энди онам ёлғиз. Онамга ҳамдам,
Ширин хотиралар, соғинч, қайғу-ғам...

2

ТОҒЛИК АЁЛ ҚОРА РЎМОЛИ

Энди онам қора рўмолда...

Мени олиб кетади хаёл,

Бу хаётда ёнма-ён экан:

Оқ ва қора, хаёт ва завол.

Бир пайт қора сочи устига,

Ўрар эди сутдай оқ рўмол,

Энди оппоқ сочи устига,

Ўраб олди коп-қора рўмол.

Қора рўмол – коп-қора булут,

Қора рўмол – коп-қора тутун

Оқ соч тоғнинг бошида турган.

Фақат уни суролмас еллар.

Оқ соч гўё уйдаги чирок,

Деразадан мўралайди тун.

Зич ёпилди дераза энди,

Чор атрофда қора тун, йўллар.

Қора рўмол, о, қора рўмол!

Тоғлик аёл қора рўмоли,



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/1276> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/1276> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.
Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1276>